

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадри ва муҳтарам устозлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолин-гизда устоз деган шарафли номи улуғлаб келаётган юртимиздаги барча инсонларни умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар кун билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун ушбу қутлуғ айёмни мамлакатимизда кенг нишонлар эканмиз, биринчи навбатда қадрдон мактабимиз, бизга ҳарф ўргатган, эзгуликдан сабоқ берган меҳрибон муаллимларимиз сиймо-си кўз олдимизда намоён бўлади. Биз учун иб-рат намунаси, юксак инсоний фазилатлар тим-соли бўлган сизлар каби азиз ва мўтабар зот-лар шаънига энг гўзал сўзлар, эзгу тилақлари-мизни изҳор этамиз. Сизларнинг барчангизга ҳеч қачон узиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси билан таъзим қиламиз.

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, дунёнинг бор бойлик ва ҳазинаси билан ҳам сизларнинг олижаноб меҳнатингиз ҳақини адо этиб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир мурғак болани ўз фарзандидек ардоқлаб, ёш авлод тарбияси учун кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар том маънода фидойи қасб эгаларидир.

Биз бугун замонавий билим ва қасб-ҳунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўётган, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган минг-мин-лаб фарзандларимиз камалида ўқитувчи ва мураббийларимизнинг бекиёс ҳиссаси борлигини яхши биламиз ва сизларнинг бу улуг хизматин-гизни юксак қадрлаймиз.

Хурматли юртдошлар!

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даври-га қадам қўйган ҳозирги кунда Ўзбекистон Рес-публикасининг 2017-2021 йилларда ривожланти-ришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳара-катлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг қўллади ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ана шу ислохотларнинг муваффақияти, мам-лакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замона-вий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгалла-ши, аввало, илм-фан ва таълим-тарбия соҳа-сининг ривож билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатдош бўла оlishимиз билан узвий боғлиқ, десак, ҳеч қандай муболага бўлмай-ди.

Айни шу мақсадда ўтган бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вази-рлар Маҳкамасининг бевосита таълим-тарбия соҳасига дахлдор бўлган 74 та фармони, қарор ва фармойиши қабул қилинганини таъкидлаш ўринлидир.

Албатта, соҳа ривожига юксак эътибор нати-жаси бўлган бу ҳужжатларни ҳаётга самарали жорий қилиш, уларга бамисоли жон бахш этиш-да биз, аввало, сиз, азиз ўқитувчи ва мураббий-ларга, сизларнинг билим ва тахрибангиз, ис-теъдод ва маҳоратингизга суянамиз.

Бугунги кунда биз замон талаби ва ҳалқимиз-нинг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, таъ-лим тизимида улкан ислохотларни амалга оши-ришга киришдик. Жумладан, умумий ўрта таъ-лим соҳасида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик лицей ва қасб-хунар коллежларини оптималлаш-тириш, 5 та янги олий таълим муассасаси ва филиаллар ташкил этиш, 16 та университет ва институтда 12 та йўналиш бўйича кечки ва сирт-қи бўлимлар очилиш, мактабгача таълим муасса-салари тармоғини кенгайтириш, нодавлат таъ-лим хизмати кўрсатиш, педагог кадрлар ва халқ таълими ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёр-лаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини та-комиллаштириш бўйича татбиқ этилаётган, узок-ни кўзлаган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамия-тини сиз, хурматли устоз ва мураббийлар, ал-батта, ҳаммадан кўра яхши тушунасиз.

Ана шу ишларимизнинг давоми сифатида шу кунларда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ах-

борот-коммуникация технологиялари йўналиши-га оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихти-сослаштирилган мактаб, Мирзо Улуғбек номи-даги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати, "Астрономия ва аэроавтика" боғи ташкил этилаётгани, ҳеч шубҳасиз, мамла-катимизда таълим сифатини жаҳон стандартла-ри даражасига кўтаришга хизмат қилади.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида Америка Қўшма Штатларининг нуфузли Вебстер университетининг филиали очилиши ҳам илм-фан ва таълим соҳасида илғор хорижий тажриба ва инновация-ларни жорий этиш йўлида муҳим қадам бўлади.

Айни вақтда биз таълим-тарбия муассасала-рининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, муаллимлар, профессор-ўқитувчилар малакаси-ни ошириш, хориждаги етакчи таълим марказ-лари билан илмий-педагогик ҳамкорлиқни кучай-тириш, ўқув-тарбия жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологияларини, янги ўқув методикаларини жорий этиш бўйича ҳали олди-мизда қўлаб долзарб вазифалар турганини яхши англаймиз ва уларнинг ечими устида доимий иш олиб борамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораёт-ган ҳаёт олдимизга қўяётган бир-биридан му-раккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечими айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замо-навий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Жумладан, бутун инсониятни ташвишга сола-ётган терроризм ва экстремизм каби бало-қазо-ларни бартараф этишда фақат уларнинг оқибат-ларига қарши курашиш билан чекланмасдан, биринчи навбатда, бу таҳдидларни келтириб чи-қараётган сабабларга қарши курашиш, ёшларни эзгу инсоний идеаллар руҳида камол топтириш энг асосий вазифага айланмоқда.

Айнан ана шундай ёндашув Ўзбекистон томо-нидан нуфузли халқаро саммитларда, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган 72-сессия-сида алоҳида таъкидлангани сизларга яхши маъ-лум, албатта.

Бу борада биз илгари сураётган "Жаҳолат ва ўравонликка қарши маърифат билан курашамиз", деган ғоя ва ташаббус халқаро майдонда катта эътибор ва қизиқиш уйғотмоқда ҳамда қўлаб-қувватланмоқда.

Ишончим комил, халқимиз зиёлиларининг илғор вакиллари бўлган сиз, хурматли устоз ва мураббийлар мамлакатимизда ижтимоий-маъна-вий муҳитни яхшилаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятимиз-да тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйи-ча олиб бораётган ишларимизни сифат жиҳати-дан янги босқичга кўтариш, ҳаётда ўзини оқла-ган мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигига асос-ланган ижтимоий тизим самарасини оширишда фаол иштирок этиб, барчага ўрнак ва намуна бўласизлар.

Сиз, азизларнинг ана шу эзгу мақсадларга эришиш, инсон ҳар томонлама эркин ва фаро-вон яшайдиган янги Ўзбекистон давлатини бар-по этиш, жонажон Ватанимизни янада тараққий эттиришга қаратилган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли меҳнатингизни му-носиб қадрлаш учун биз давлатимиз ва жамия-тимизнинг бор куч ва имкониятларини сафар-бар этишга тайёرمىз.

Сизларни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббий-лар кун билан яна бир бор табриклаб, барчан-гизга сизат-саломатлик, бахт ва омад, хонадон-ларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу баракка тилайман. Доимо соғ-омон бўлинг, азиз устоз-лар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кун



МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ ЮЗИНГИЗДАН, УСТОЗЛАР!

Ўз билими ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлигини маърифат йўлига бах-шида этган инсонлар ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муно-сиб. Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшаётган фидойи устозлар давлати-мизнинг доимий эътиборида, халқимиз ардоғида.

Ўэтибор

Ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кун умухалқ байрами сифатида кенг нишонлаб ке-линаётгани уларга кўрсати-лаётган юксак ҳурмат-эҳти-ром ифодасидир.

Олмалик шаҳридаги "Металлург" маданият са-ройида мазкур байрам му-носабати билан ташкил этилган байрам тадбирида умумтаълим мактаблари,

ўрта махсус, қасб-хунар ва олий таълим муассасала-рининг жонқуяр ўқитувчи-лари, фидойи мураббий-лар, ҳамкор бошқарма ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирни вилоят ҳокими Шукрулло Бобоев кириш сўзи билан очиб, ўқитувчи ва мураббийларни байрам билан самимий табриклади. Маросимда сўзга чиққан-

лар таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маъри-фат соҳаларида олиб бори-лаётган кенг қўламли исло-хотлар келажагимиз эгала-рини Ватанимизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялаш-дек эзгу мақсадга йўналти-рилганини таъкидладилар. Бу эзгу мақсадга бутун бор-лигини бахш этаётган ша-рафли қасб соҳиблариға кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдирдилар.

Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ таълим соҳасини тубдан ислох этишга алоҳида эътибор қаратилди. "Таъ-

лим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида белгиланган ва-зифаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши мамлақати-мизни тараққий эттириш, турмушимизни фаровон-лаштириш, ҳеч қимдан кам бўлмаган навқирон авлодни вояга етказиш учун мус-таҳкам замин яратди.

Мактаб таълимини ри-вожлантириш давлат умум-миллий дастури асосида мамлакатимиздаги умум-таълим мактабларининг барчаси реконструкция қилинди, тубдан таъмирлан-ди, юзлаб янги мактаблар бунёд этилди.

Давоми 2-бетда.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг "Ўқитувчи ва мураббийлар кун муносабати билан таълим-тарбия тизи-

мида алоҳида ўрнак кўрсатган ходим-лардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғри-сида"ги Фармони эълон қилинди.

Унга кўра, мамлакатимиз-да ёш авлоднинг интеллек-туал ва маънавий салоҳияти-ни юксалтириш, таълим ти-зимини замон талаблари асосида такомиллаштириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга оши-риш ишлариға қўшган сал-моқли ҳиссаси, ёшларга илм-фан асослари ва замо-навий қасб-хунарларни ўрга-тиш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоялари-га садоқат руҳида тарбия-лаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳада ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббий-лар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдир-ланди.

Шу жумладан, Тошкент вилоятидан:

"Фидокорона хизматла-ри учун" ордени билан Эшанкулова Зоя Эрм-ановна – Оҳангарон тумани-даги 10-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

"Меҳнат шухрати" ордени билан Турдиева Зулфия Сул-тановна – Олмалик шаҳри-даги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

"Дўстлик" ордени билан Тен Елена Ҳакесовна – Юқори Чирчиқ туманидаги 7-ум-ий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

"Шухрат" медали билан Мардиева Валерия Ша-миевна – Ўрта Чирчиқ ту-манидаги 12-болалар мусқа ва санъат мактаби директори

Мухторова Раъно Мўминжоновна – Пискент туманидаги 6-умумий ўрта таъ-лим мактабининг информати-ка фани ўқитувчиси

Умаров Гулом – Занги-ота туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг эркин кураш бўйича мураб-бийи

Ходжаев Махмуд Абду-каликович – Вилоят ихти-сослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

Якушева Олеся Влади-мировна – Бекобод шаҳри-даги 7-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Худудий
секторлар
фаолиятидан

ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг "Худудларни жадал иж-тимоий-иқтисодий ри-вожланишини таъмин-лашга доир устувор чора-тадбирлар тўғри-сида"ги Қарори ижроси-ни таъминлаш бўйича худудий секторларнинг айни кунлардаги иш фа-олияти қизгин давом эт-моқда. Бунга секторлар фаолиятини қузатиб, аяққол ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Мазкур қарор ижроси-га мувофиқ, Бекобод шаҳрида ҳам анжн мақ-садларга йўналтирилган, манзилли ишлар қўлами кенгаймоқда. Шаҳар ҳокимининг қарори бил-ан секторлар бўйича ишчи гуруҳи аъзолари-нинг таркиби тасдиқлан-ган. Унга асосан, Бек-обод шаҳар давлат со-лиқ инспекцияси бош-лиги раҳбарлик қилаёт-ган 4-секторга 8 та ма-ҳалла фуқаролар йиғини бириктирилган.

– 22 кишидан иборат ишчи гуруҳимизни шакл-лантириб олдик, – дей-ди сектор раҳбари Ўкта-мош Ташматов. – Шунингдек, маҳаллалар кесимида 8 та округ ташкил этилган. Штабимиз бевосита "Бу-лоқариқ" маҳалласидаги 3-умумий таълим макта-бида жойлашган.

Давоми 2-бетда.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Хайрли ишга ҳисса

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ, жой-ларда турли хайрия тадбирлари ўтказилмоқда.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгилан-ган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида Пар-кентда бўлиб ўтган ана шун-дай анжуманда туман ҳоким-лиги ва жамоат ташкилотла-ри вакиллари иштирок этди.

Шу кун ҳудудларда ис-тикомат қилаётган ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳ-тож фуқаролар ҳолидан ха-бар олинди. Малакали ши-фокорлар томонидан кекса

ёшдагилар тиббий кўрик-дан ўтказилиб, уларга бепул дори-дармон жамланмала-ри ҳамда озиқ-овқат маҳсу-лотлари улашилди.

Шунингдек, тадбир дои-расида Невич кишлоғида истикомат қилувчи тўқсон ёшли нуроний Ҳ. Қаландаров, сўқоқлик меҳнат фах-рийси А. Омиллов, номданақ-лик А. Абдуҷабборов ҳамда А. Ориповга ногиронлик аравачалари топширилди.

Ўз муҳбиримиз.

Соғлом бола – юрт эртаси

Юқори Чирчиқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мак-табида ўқувчи-ёшлар ўртасида футбол мусобақаси таш-кил этилди.

Ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини кучайтириш мақсадида ўтказилган мусоба-қада 2003-2005 йилларда туғил-ган ҳаваскор футболчилар ғолиблик учун кураш олиб бо-ришди.

– Соғлом авлод тарбиясини жисмоний тарбия ва спорт-сиз тасаввур этиб бўлмайди, – дейди мактаб директори Адолат Зиёева. – Чунки, фар-зандлари соғлом юртнинг ке-лажаги, эртанги кун мустаҳ-кам ва ёруғ бўлади. Таълим масканимизда ёшлар учун футбол, волейбол, баскетбол,

стол тенниси, шахмат-шашка тўғарақлари мунтазам фаоли-ят юритиб келмоқда. Ташкил этган бу тўғарақларимизда малакали ўқитувчи ва мураб-бийларимиз. Фаёзиддин Бўрибоев, Ғиёсиддин Ёқубов, Жалолиддин Нодиров ёшла-римизга спорт турлари бўйи-ча машғулотлар ўтказиб ке-лмоқда.

Қизгин беллашувлар остида ўтган футбол мусобақасида ғолибларига диплом ва совға-лар тантанали равишда топши-рилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Хизмат – беминнат

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бекобод тумани кенгаши, маҳаллий кенгаш депутатлари, партиянинг "Аёллар қано-ти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари худуддаги аҳоли хонадонларида бўлиб, уюлмаган ёшлар ва хотин-қизлар муаммосини ўрганишмоқда.

Партия фаоллари ҳамда депутатлар тумандаги "Бо-бур Мирзо", "Фарход" ва "Янгибозор" маҳалла фуқа-ролари йиғинидаги хона-донларда бўлишди. Ўрга-нишлар натижасида, маҳал-лалардаги ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг сони аниқланиб, рўйхати тузилди.

Шундан сўнг уюлмаган ёш-лигит-қизларнинг аксарияти қизиқишларидан келиб чи-қиш, партиянинг "Хизмат – беминнат" лойиҳаси доира-сида ташкил этилган бепул ўқув курслариға жалб қилин-ди.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА.



Мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, "Баркамол авлод" болалар марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт, мусиқа ва санъат мактаблари, лицей ва коллежлар, олий таълим даргоҳларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини давр руҳига мос тарзда йўлга қўйиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 10-синфларнинг ташкил этилиши натижасида 19 минг 193 нафар ўғил-қиз таълимни мактабда давом этти-

раёттир.

Шунингдек, Чирчиқ шаҳрида Тошкент вилояти Давлат педагогика ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтларининг ташкил этилгани, Олмалиқ шаҳрида

Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети филиалининг очилгани ёшлар учун ҳақиқий совға бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 сентябрь куни қабул қилинган "Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ўқитув-

чилар кўнглини тоғдек кўтариб, уларни янада кўпроқ изланишга, ўқув-тарбия жараёнини янада бойитишга ундаши табиий. Зеро, малакали устозлар қўлида таълим оладиган бола эртага Ватан ободлиги ва фаровонлигига муносиб хисса қўйиши шубҳасиз.

Ўтган йиллар мобайнида таълим соҳасидаги юзлаб устоз-мураббийлар Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдир-

ланди. Улар орасида вилоятимиз вакиллари ҳам қўнчилиқни ташкил этади.

– Юртимизда биз, педагогларга кўрсатилаётган бундай юксак ҳурмат ва эътибор ўз устимизда кўпроқ ишлашга, ана шу эҳтиромга муносиб бўлишга ундайди, – дейди янгийўллик таълим ходими Камола Аксакалова. – Халқ таълими вазирлиги томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йил-

нинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичида вилоятимиз муаллимлари ҳам муносиб иштирок этиб, улардан олти нафари фахрли 1-ўринни қўлга киритгани ана шу ғамхўрликлар самарасидир.

Маросимда элимиз ардоғидаги санъаткорлар – Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, республикада хизмат кўрсатган артистлар Абдурашид Йўлдошев, Дилноза Исмиёнова, Собиржон Мўминов, Илҳом Фармонов, шунингдек, таниқли хонандалар ва "Нихол" мукофоти совриндорлари иштирокидаги катта концерт дастури намойиш қилинди.

Таълим жонқуярлариға фахрий ёрликлар, байрам совғалари тортиқ этилди.

Ўз мухбиримиз.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.

Бу эса фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг шарт-шароитларини уйма-уй юриб ўрганишимиз учун жуда қулай.

Дарҳақиқат, сектор штабида фуқароларни қабул қилиш, иш жараёнини кечаю-кундуз узлуксиз ташкил этиш мақсадида навбатчилик йўлга қўйилди. Жадвал асосида иш олиб бориш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Жорий йилнинг 28 августидан 26 сентябргача

меҳнат қиламан, энди.

Айни кунларда "Металлист" МЧЖнинг солиқ бироноси ўрнида "Бекобод парранда инвест" корхонаси томонидан 100 ўринли тикувчилик цехини очишга ҳозирлик кўрилмақда.

Шунингдек, 2017-2018 йилларда "Бекобод йўл индустрия" ишлаб чиқариш корхонасининг фойдаланилмаётган 36 гектарлик майдонида "Кичик саноат зонаси" ташкил этилмоқда. Маз-

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

бўлган давр мобайнида 4-сектор штабида икки юз нафарга яқин фуқаро қабул қилинди. Шунинг таъкидлаш жоизки, мурожаат қилганларнинг 90 нафари ишга жойла-

шиш масаласини кўтарган. Шаҳар бандликка қўмаклашиш марказидаги мавжуд бўш иш ўринлари билан таништириш ва ишга жойлаштириш масаласида бу мурожаатлар алоҳида назоратга олинди. Биргина август ойининг ўзида худудий секторнинг ташаббуси ва саяё-ҳаракати натижасида 54 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Бугунги кунда сектор худудидида ташкил этилаётган тикувчилик цехларига хотин-қизларни ишга олиш масаласи, айниқса, диққат-эътиборда.

Хусусан, "Бекобод матбуоти" МЧЖнинг ишлаб чиқариш бироноси ўрнида Ўзбекистон металлургия комбинатида қарашли тикувчилик цехи фойдаланишга топширилди ва бунинг натижасида 100 киши иш билан таъминланди.

Шулардан бири – "Булоқчиқ" маҳалласида яшовчи Гулшода Турсунова иш билан таъминланганидан жуда хурсанд.

– Сектор фаолиятдан миннатдорман, – дейди Гулшода. – Айнан уларнинг ёрдами билан "Ўзметкомбинат"га ишга жойлашдим. Узоқ йиллик озуғим эди бу. Азиз Ватаним равнақи учун жон-жаҳдим билан

кур зонада 20 га яқин кичик корхоналар фаолият юритиши ва 332 та янги иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

"Металлург монтаж пўлат" МЧЖга қарашли фойдаланилмаётган биронода эса беш миллион АҚШ доллари миқдорида киритиладиган инвестиция асосида 220 та янги иш ўрнига эга тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик корхонани ташкил этиш қўзда тутилган.

Айтиш жоизки, секторнинг аҳоли мурожаатларини ўрганиши, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш борасидаги ишлари ҳам самарали кечмоқда. Аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлаш мақсадида худуддаги ногиронлар, кам таъминланган oilлар ва уларнинг фарзандларига, ёлғиз кексаларга музлаткич, телевизор, чанг ютгич, кир ювиш машинаси, мактаб формаси ҳамда озиқ-овқат жамланмалари тарқатилди.

Хуллас, айни кунларда жойларда секторлар томонидан олиб борилаётган жамики саяё-ҳаракатлар битта мақсадга – одамларни рози қилиш ва уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, яна ҳам аниқроқ айтганда, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши кераклигини амалда намоён этишга қаратилган.

Ашурали
БОЙМУРОВОД.

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили –

www.thtp.uz

орқали ҳам танишингиз мумкин.



«Йилнинг
ЭНГ ЯХШИ ФАН
ЎҚИТУВЧИСИ – 2017»

АСОСИЙ ВАЗИФА – ПУХТА БИЛИМ БЕРИШ

Ҳаётимни ёш авлодга таълим-тарбия беришдек масъулиятли вазифага бағишлаганман. Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси" ёш авлодга пухта билим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир", деган сўзлари эса менинг ҳаётдаги мақсадим, орзу-интилишларимга рағбат берди, янада шижоат билан меҳнат қилишга ундади.

Ўқитувчи, энг аввало, ўз фанини чуқур ўзлаштириши, қолаверса, ўқувчиларини севиши, уларнинг ички олами яхши билиши, қалбига қулоқ солиши, дунёга уларнинг кўзи билан қарашига ўрганиши керак. Албатта, чет тилларини чуқур ўргатишга бўлган алоҳида эътибор туфайли ўз касбимга бўлган меҳрим янада орди, масъулият кучайди.

Болажонларнинг ҳайрат тўла нигоҳларига боқиб нақадар ҳузур бағишлайди. Мен учун ҳар бир дарс бир кашфиётдек... Инглиз тилида жаранглайдиган шеър, эртак, ҳикояларни тинглаш ундади мароқли.

Хозирги даврда замон талабига жавоб бера оладиган етук мутахассис бўлиш осон эмас. Бунинг учун тинимсиз изланиш, ўқиш, бошқалардан ҳам тажриба ўрганиш керак.

Давлатимиз раҳбарининг "Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бизга нафақат рағбат, балки зимманимизга улкан масъулият юклайди. Биз эртанги кун эгаларининг камолотиға жавобгармиз. Шунинг учун бундан буён ҳам ўз касбимиз, фанимизга тегишли барча билимларни, янгиликларни чуқур ўзлаштириб боришимиз зарур. Буни биз, албатта, ундамай оламиз!

Юлия СИСОЕВА,
"2017 йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика танлови галиби.



– Алишер, сен билан ўтказган ёзимиз ниҳоятда самарали бўлибди, – деди Раъно опа шогирдининг информатика фанидан тузган дастурини ўқиркан, монитордан кўз узмай.

– Кўрдингми, фани ўзлаштирмайдиган бола бўлмайди. Фақат баъзилар тортинчоқлик қилиб, фикрини кўпчилик олдида айтишдан чўчиди, натижада у кундан кунга ўзлаштиришдан орқада қолиб кетаверади. Қарабсизки, у қолоқ ўқувчи бўлиб қолади.

Раъно опа шогирдининг елкасига меҳр билан қоқиб хайрлашди, беихтиёр ёдига устози, Халқ таълими аълочиси Суннатилла Ашуровнинг ўғити тушди.

"Раъно, қизим, ўқитувчилик мураккаб касб. Ў, аввало, ўқувчини ўз боласи, деб билиши, яхши-ўқийдиганини эркалатиб, ўзлаштиришда орда қолаётганини беэътибор қолдирмаслиги керак. Ўқитувчининг ўқитувчилиги дарсини ўзлаштиришга қийналадиган болада ўзига нисбатан ишонч уйғота олишида. Чинакам педагог ҳар бир болада бир дахони кўра билди, ундаги ғайрат, истеъдодни юзага чиқара олади..."

Раъно Мухторова бу ўғитга бутун иш фаолиятида содиқ қолди. Дангаса, эркатой болалар билан алоҳида ишлашдан эринмади.

Информатиканинг дастлабки босқичи бўлган ЭХМ дарсларида ҳам синфдаги 30 нафар ўқувчининг қалбига дарсга меҳр уйғотишга ҳаракат қилади.

Жонқуяр муаллима таълим тўғрисида, информатика фанини ўқитиш бўйича 20 дан зиёд мақолалар ёзди. АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони каби дунёнинг ри-

вожланган давлатлари таълим жараёнини ўрганди, муттасил ўз устида изланди. Билганларини нафақат ўзи хизмат қилаётган мактабдаги, балки тумандаги ҳамкасбларига, шогирдларига ҳам ўргатди.

Информатика дарсликлари-нинг тақризчиси бўлди. Бугун-

лар учун бўлим" бор. Ундан болангизни ва ўзингизни қизиқтирган жуда кўп саволларга жавоб топасиз. Kitob.uz порталида эса болангиз ўқиши керак бўлган барча бадиий адабиётлар бор. Сиз фарзандингиз қайси сайтларга кириши кераклигини маслаҳат берсангиз бас.

ҚИРҚ БЕШ ДАҚИҚАГА СИҒМАГАН ГАПЛАР

Ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан бир гуруҳ соҳа ходимларини давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш эзгу аънаъига айланган. Пискент туманидаги 6-умумтаълим мактабиди информатика фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келаётган Раъно Мухторова ҳам Президентимиз Фармониға биноан "Шухрат" медали билан тақдирланди.

❑ Нишондорларимиз

ги кунда кўплаб шогирдларнинг сеvimли устози ва маслаҳатчиси ҳамдир.

– Ўғлим жуда кўп вақтини компьютерга сарфляпти, – хавотирланиб сўради ўқувчиларидан бирининг онаси бир кун мактабга келиб.

– Бу давр талаби. Сиз ўзингиз компьютерда ишлашни, интернетдан фойдаланишни билсангиз, болангизга тўғри йўл кўрсата olasiz. Бундан 5-6 йил аввал компьютерда фақат турли ўйинлар ўйнашар, жангари фильмлар томоша қилишарди. Бугун ундай эмас. Интернет боланинг, ўқувчининг, ота-онанинг ҳам яқин дўстиға айланган. Интернетдаги қайси сайтга, қайси порталга киришни билсангиз бас.

ZiyouNET порталида "Ота-она-


Унинг бузғунчи, миллий менталитетимиз ва қолаверса, инсонийлик чегараларидан ташқаридаги сайтларга киришга вақти ҳам, истаги ҳам қолмайди.

– Хозир қўл телефони, телевизордан тортиб, маиший техникани ҳам рақамли бошқаришга ўтилди, ахир. Компьютер саводхони бўлган, унинг техникасини, қурилмасини билган бола ҳаётда қоқилмайди. Мен сизга ўз дарсларимнинг электрон вариантини бераман, уйда ўқилиш билан бирга бемалол дарс тайёрлайверасиз, – гапида давом этаркан жимлайди Раъно опа. – Ўлёр исмли сабоқ ўқувчим саҳна дизайнини компьютер орқали безашнинг моҳир устасига айланди. Агар унинг ҳам отаси ёки онаси компьютердан қайтарганида, шу му-

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

❑ Танаффус пайтида...

Устоз – ўз умрини ёш авлод тарбиясига, уларнинг камолотиға бахшида этади. Ўқитади, ўргатади, элга, жаҳонга танитади. Куйида эл-юрт назаридаги замондошларимизнинг ўз ўқитувчилари ҳақидаги фикрларини ўқинг.



Сайёра БАРАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси:

– Борлиқни англаш, илм-фан сирларини эгаллашда барча бирдек ўқитувчиға таянади. Ўқитувчи – қўлимизга илк бор қалам тутқазган, ҳарф ўргатиб, маърифат ва зиё

сари етаклаган улуг зотдир. Устозларға бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғуси киши қалбига умрбод муҳрланиши беҳиз эмас...

Паркент туманидаги 44-мактабда таълим-тарбия олганман. 1-синфга борганим кечагидек ёдимда. Хонада юзларидан нур ёйиладиган, очик чехралли, табассуми ўзига ярашган, серсавлат киши бизни қарши олганди. "Ҳасан ака, деб мурожаат қилишингиз мумкин", дегандилар. Лекин, болалар устоз, дейишни маъқул кўришди. Шу-шу исмлиларини айтмасдик.

Ҳасан ака талабчан эди. Икки баҳо қўйишни ёқтирмасдилару уй вазифасини бажармаганларни, албатта, жазолардилар. Устознинг таълим-тарбиялари, йўл-йўриқ ва кўрсатмалари ҳаётимда асқотгани айни ҳақиқат.

Адабиёт фанини жуда яхши кўрадим. Мавлуда Мирзақодированинг дарс ўтишлари

МАКТАБГА БОРМАГАН КИМ БОР?

мени сеҳрларди, ўзига тортарди. Шунинг учун бўлса керак, ўшанда суҳандон бўлишни орзу қилардим. Вақт ўтди, орзулар, фикрлар ўзгарди. Шифокорлар оиласида катта бўлганим учунми шу соҳани танладим. Хар нима бўлганда ҳам, эришган ютуқларимда устозларимнинг меҳнати катта.

Зухра АШУРОВА,
Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти:



– Қибрай туманидаги 6-умумтаълим мактабиди ўқиганман. Болалигимда бир оз нимжон бўлганим учун, мак-

табга кечроқ қатнай бошладим. Устозим Раиса опа Хўжаева дарсдан сўнг мени олиб қолар ва қийналаётган мавзуларни ўзлаштирмаганимча тинчимасдилар. Ўшанда улардан бир оз ҳақлим чиққанди. Ахир, уйга барвақт бориб тенгдошларим билан ўйнагим, жуда бўлмаганда, телевизор томоша қилгим келарди-да. Аммо, бу инсон касбига нақадар фидойи бўлганликларини кейинчалик тушундим. Ўша пайтда ўқитувчиларнинг асаблари "метин"дан бўлганими, эринмасдан хар бир ўқувчи билан алоҳида шуғулланишга вақт топишган.

Мактабни тамомлагач, олий ўқув юртиға ҳужжат топшириб, талабалик бахтиға муяссар бўлдим. Шукрки, ёқтирган касбимни эгалладим. Санъат туфайли халқимизнинг меҳрини қозондим, ҳурмат-эътибор топдим. Давлатимиз томонидан дастлаб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, сўнгра санъаткор учун энг юксак мукофот – Ўзбекистон халқ артисти унвони берилди. Айтишим керакки, муваффа-

қиятларимнинг барчасида устоз ва мураббийларимнинг хизматлари бекиёс. Бунинг учун мен улардан миннатдорман.

Элнур АБДУРАИМОВ,
бокс бўйича Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори:

– Бўстонлиқ туманидаги 1-умумтаълим мактабиди таҳсил олганман. Биласизми, мактаб остонасига қадам қўйган боланинг харфаниб, яхши ўқиб кетишида биринчи ўқитувчининг меҳ-



нати катта. Буни ўз тажрибада қузатганман. Болалигимдан боксга қизиқардим.

Уйда дадам билан тинмай машқ қилардик. 1-синфга борганимда, бир оз қийналганман. Дарсда ўтиришга сабрим, тоқатим етмасди. Шунда биринчи ўқитувчим Қалдирғоч опа мени дарсга қизиқтиришга уринар, турли ўйинлар уштиради. Баъзида дарсини тўхтатиб: "Қани, туришлар, қўлларни ишлатамиз", дея машқлар бажарганимиз ёдимда. Уларнинг саяё-ҳаракатлари билан ўқишга, билим олишга қизиқиш уйғонди.

Кейинчалик юқори синфга ўтгач, турли фанлар қўшилди, табиийки, устозлар ҳам қўлайди. Адабиёт фани ўқитувчиси Гулчеҳра Тўлибоева ҳаётимда катта из қолдирган, десам муболага бўлмайди. Улар китобни севишни ўргатганлари рост. "Сен зўр спортчи бўласан, албатта. Аммо, адабиётни билиш, шоир ва ёзувчиларнинг ҳаётини ўқиш-ўрганиш ҳеч қачон зарар қилмайди", дердилар.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Ирода НОРБЕКОВА
ёзиб олди.

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Вилотимизда тўқимачилик соҳасида замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналарни ташкил этиш, маҳаллий хом ашёни сифатли қайта ишлаш, экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ислохот ва самара

Ўрта Чирчик туманидаги Ангор кўрғонда ташкил этилган "Pronto Textile Group" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай сай-ҳаракатлар маҳсулидир.

2016 йилда ўз фаолиятини бошлаган корхона қисқа фурсатда ҳудуддаги тўқимачиликка ихтисослашган энг замонавий мажмуалардан бирига айланди. 400 минг АКШ доллар микдоридаги кредит маблағи ҳисобидан сўнгги русумдаги техника ва ускуналар билан жиҳозланган корхонада қарийб 300 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Энг муҳими, бу ерда тайёрланаётган эркаклар, хотин-қизлар, болалар ва

спортчиларга мўлжалланган кийим-кечакларга бўлган талаб нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа хорижий давлатларда ҳам ортиб бормоқда. Бунинг учун давр мобайнида 1 миллион 800 минг АКШ доллар микдоридаги таъминотни Италия, Германия, Россия ва Туркия сингари мамлакатларга экспорт қилинганда ҳам кўриш мумкин.

– Биз келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб боришни режалаштирмаймиз, – дейди "Pronto Textile Group" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мухтор Раҳмонов. – Бунинг учун истикболда лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Албатта, бозор-



нинг талаби қаттиқ. Айниқса, кун сайин ривожланиб бораётган дунё бозоридан мустаҳкам ўрин олиш учун унинг талабини тўхтовсиз ўрганиб бориш, таҳлил этиш, изланиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва, албатта, харидорнинг дидига мос қилиб, ишлаб чиқариш керак. Шунинг учун ҳам, корхонада хом ашёни бичиш-тиқишдан тортиб, тайёр маҳсулотга етказишгача бўлган барча жараён билан юқори маҳалли мутахассислар шуғулланилади. Албатта, бунда сифат, дизайн, аҳоли талабини ўрганиш бўйича олиб борилаётган

ишлар алоҳида ўрин тутади.

Шуни таъкидлаш кераки, корхонада меҳнат қилаётган 250 нафардан ортиқ ишчи-хизматчининг аксариятини касб-ҳунар коллежини битирган маҳаллий ёшлар ташкил этади. Тажрибали мутахассислар уларнинг малакасини ошириб, замонавий ускуналарни бошқаришга ўргатиб борилади.

– Корхонага ишга келганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, шу қисқа фурсат ичида замонавий тикув машинасини бошқаришни пухта ўзлаштириб олдим, – дейди ёш тикувчи Гулно-

ра Комилова. – Трикотаж хом ашёсидан кийим-кечакларни тикиш алоҳида эътибор ва масъулиятни талаб қилади. Шунинг учун биз мунтазам равишда малакамизни ошириш устида ишлаймиз.

Таъкидлаш кераки, корхона раҳбарияти фаолиятини кенгайтириш билан бирга ҳудуддаги ёшларни ўқитиш ва иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шу мақсадда, маҳаллий ҳокимликлар, ўқув муассасалари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда жойларда устоз-шогирд аъёнлари асосида мастер-класс ўқувлари ташкил этилмоқда. Бу бежиз эмас. Яқин иштиқболда корхонада ип-калава ва газламаларни бўйашга ихтисослашган янги йўналишни ишга тушириш режалаштирилган. Шу тариқа, бу ерда яна 500 та янги иш ўрни яратилди.

Юлдузхон МУХИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Суратда: корхона фаолиятидан лавҳа. Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

Ташаббус

Бугун ҳудудларнинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаол иштирок этмоқда.

ОҚҚЎРҒОНДА ТУРИЗМ РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг платформасидан соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар ўрин олган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, партия марказий кенгаши томонидан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорлик меморандуми имзоланган бўлиб, соҳага оид чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Халқ депутатлари Оққўрғон тумани кенгашининг Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гuruhи ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши шу мавзуга бағишланди.

Оққўрғонда тарихий аҳамиятга эга қўллаб-ёғдорликлар, бино ва тепаликлар сақланган. Партия туман кенгаши ҳамда депутатлар сай-ҳаракати билан бу ердаги мавжуд моддий-маданий мерос объектларини ўрганилиб, уларнинг рўйхати шакллантирилди.

Йиғилишда, ҳудуднинг туризм салоҳиятини ошириш мақсадида тарғибот ишларини янада кучайтириш, "Ёшлар иттифоқи" билан ҳамкорликда туман тарихини ўрганиш, бунга, айниқса, ёшларни кенг жалб этиш, миллий, хунармандчилик турларини кенгайтириш, шу билан бирга тумандаги

туризм масканлари ҳақидаги маълумотларни интернет тармоқлари орқали сайёҳларга кенгроқ етказиш мақсадида турли ижтимоий реклама роликларини тайёрлаш билан боғлиқ аниқ тақдирлар ўртага ташланди.

Таъкидланганидек, туманда туризмнинг раванқ топиши ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, транспорт-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш, энг муҳими, аҳолини, айниқса, уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш тарзи, фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Ўз мухбири.

ХОЛИСЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ САБОҚЛАРИ

"Шодлик Палас" меҳмонхонасининг анжуманлар залида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ёритишда ОАВнинг роли ва ўрни" мавзусида республика анжумани ташкил этилди.

Анжуман

Тадбирда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, Тошкент ахборот технологиялари университети, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатётган босма ва электрон ОАВ журналистлари иштирок этди.

Анжуман доирасида мамлакат имиджини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва халқаро тажриба, онлайн режимида журналистика салоҳияти, ижтимоий тармоқлардаги ахборотларнинг жамоатчиликка таъсири, шунингдек, таҳлилий ва интернет журналистикасининг ривожланиш тенденциялари ҳамда бугунги ҳолати ва истиқболдаги масалалар атрофида

таҳлил қилинди. Тадбирга тақлиф этилган мутахассислар томонидан халқаро жамоатчилик алоқалари, ахборот-сиёсий технологияларни қўллаш, шу билан бирга, интернет тармоқларида журналистлар фаолиятини тартибга солишда одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш қоидаларига оид масалалар хусусида иштирокчиларга маълумотлар берилди.

Жамоат фонди томонидан ташкил этилган мазкур анжуман доирасида республикамизнинг барча ҳудудларидан журналистлар тақлиф этилиб, ўндан ортиқ мавзуларда маърузалар тингланди. Шу билан бирга, иштирокчиларнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган йўналишлар ҳамда жамият билан давлат ҳокимияти ўртасида жонли мулоқотни яратиш мақсадида турли мавзуларни ёритиб бо-

риш бўйича амалий кўникмалари шакллантирилди.

Замонавий дунёда ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бошқа соҳаларда бўлгани каби оммавий ахборот воситаларини ҳам буларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар аудиториясининг асосий қисmini ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, тадбирда кўтарилган масалалар долзарб аҳамият касб этиши ёрқинроқ аён бўлади. Зотан, ўсиб келаётган авлоднинг қизиқишлари глобал тармоқ билан узвий боғлиқ экан, интернетдан фойдаланувчилар сони кун сайин кўпайишда давом этади. Бундай шароитда ишончли ахборотни инсонга зарарли таъсир ўтказадиганидан ажрата олиш муҳимдир.

Тадбир давомида шу каби қатор масалалар бўйича тегишли фикр-мулоҳазалар билдирилиб, керакли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хуршида ТУРСУНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ТЕЗЛИКНИ БЎЙСУНДИРГАН ШОВВОЗЛАР

Вилотимиз велосипогачилари Наманганда ўтказилган велотрек бўйича мамлакат чемпионатига юқори натижаларни қайд этиб, мухлису мутахассислар ишончини оқлади.

Спорт

Бу галги мамлакат чемпионатида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 17 жамоа таркибида 130 нафардан зиёд спортчи иштирок этди. Мусобақанинг уч айлана бўйлаб жамоавий спринт баҳсларида чирчилик Данил Евдокимов, Никита Чернов, Темур Шукуров наманганлик спорт устаси Умид Икромов билан биргаликда биринчи ўринни эгаллашди.

4 километрга ўтказилган жамоавий пойгада ҳам вилотимиз вакиллари

тенг келадигани топилмади. Вилот терма жамоасидан жой олган Данил Евдокимов, Никита Чернов, Егор Привалов, Одил Тоиров, Темур Шукуров финишга биринчи етиб келишди.

Яна бир велоспортчимиз Искандар Шодиев турли вилоятлар вакиллари билан биргаликда жамоа сафида тартибга келиб, бронза медалга сазовор бўлди.

Мамлакат чемпионати доирасида ўсирилган ўртасида ўтказилган мусобақалар ҳам вилотимизда велоспорт жадал ривож-

ланаётганини намойиш этди. Икки километрга ташкил этилган пойгада Сергей Гореликов ва Арслон Гаффаров дастлабки икки погонани банд қилди. Қизлар мусобақасида Маргарита Мисюрина иккинчи ўринга лойиқ қўрилди.

Велотрекининг бошқа йўналишлари бўйича Никита Чернов олтин, Данил Евдокимов кумуш, Искандар Шодиевга бронза медал топирилди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланди, халқаро турнирларда иштирок этиш учун муҳим рейтинг очколарига эга бўлди.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

БИЗНИ ҚУВОНТИРГАН ТАШРИФ

Халқимизда яхши аъёна бор. Ёшларимиз доим кексалардан хабар олади. Ҳеч бир мамлакатда учрамайдиган бу удум, аслида фарзандларимизни меҳр-

оқибатли бўлишга, ёши улугларимизни қадрлашга ўргатади. Бу, айниқса, байрамлар арафасида бутун бўй-бастини кўрсатади.

Арафа

Янгийўлдаги 64-умумтаълим мактабида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан ўтказилган тадбирга фахрий муаллимлар тақлиф этилди.


– Устозларнинг таърифи бизни қувонтирди, – дейди мактаб директори Мухаббат Алимова. – Аввало, ўзимиз ҳам ўқувчилик пайтларимизни эда олдик, ўтган ширин на-

ларни хотирладик. Шунингдек, уларнинг ҳаёт йўллари ҳақидаги ҳикояларини мароқ билан тингладик. Устозлар тажрибаси фаолиятимизда, шу билан бирга ҳаётимизда ҳам асқотади.

– Бугуннинг ёшларига ҳавасим келади, – деди фахрий устоз Олимжон Эминжонов. – Қаранг, уларнинг билим олишлари учун барча шарт-ша-

роитлар яратилган. Ўқиб, ўрганиб, баркамол вояга етишлари учун имконият ва қулайликлар етарли. Аслида, бу кунларга етмаганлар ҳам борлигини унутмаслик керак.

Тадбирда ёшлар ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. **Ирода МАКСУДОВА,**
Азамат АХМЕДОВ олган сурат.



АЗАЛДАН УЛУҒДИР МУАЛЛИМ НОМИ

Саҳий кузнинг сўлим тонгида нурафшон бир кун бор, нури бир кун бор. Бу кун юракларда туюми соғинч, кўзларда интизор дийдорга илғим. Қўлларда гулдаста, тилда бир калом, деймиш таъзим билан устозга салом.

Саломнинг қудрати, сўзнинг қадрини, ҳарфлар жилоси, рақам сеҳрини, Ватанга муҳаббат, ганимга нафрат, дўстликка садоқат, ардоқ, меҳрни аслида ўргатган бизга шу устоз. Уни қанча севсак, эъзозласак оз. У сира ўч эмас тилло маржонларга, мудом талпинида нури маконга. Бунда мурғак диллар топади камол, бунда улғайди Ватан эҳтимом. Бу маскан бобони камтар муаллим, ниҳолин бишини силайди доим. Шогирдлар ташвишини ташвиш, деб билар, улар ютуғидан мағрур, шод юрар. Лекин асло қилмас меҳнатин миннат, камтарлик ҳамиша устозга зийнат. Мустақил юртимда мураббий зотига эҳтиром буюқдир, буюқ ҳурмат. Уни қадрлайди ҳукумат, давлат.

Юртимнинг энг олий унвони билан сийлайди мураббий, ўқитувчи ҳам. Қаҳрамон устозлар шогирдлари ҳам бир кун қаҳрамон бўлмоғи аён.

Мустақил мамлакат муаллимлари – келажак эгаси ёшлар меъмори, у қалблар меъмори, орзу меъмори.

Бир миллион меъмори бор Ўзбекистон Шубҳасиз, оламга бўлажак дoston.
Мухаббат ҲАМИДОВА.

ТАРБИЯСИЗ ТАРБИЯ ЖИНОЯТГА ЭШИК ОЧДИ

Кунлардан бир кун ёш оилада фарзанд дунёга келибди. Ота-онанинг орауси ҳамма қатори чақалоқни ахлоқ-одобли, илму маърифатли инсон қилиб улғайтириш экан. Шу ниятда гўдак уч кунлик бўлганда, уни бир фозил одамга олиб боришибди. Бола туғилганига уч кун бўлганини эшитган донишманд: "Афсус, тарбияга уч кунга кечикибсизлар", деган экан...

Таассуф

Мурод Тўхтаев (исм-шарифлар ўзгартirilган) 20 ёшида хавфли рецидивист, деган тамга остида иккинчи марта суднинг қора курсисига ўтирди. Нега? Ота-онаси тарбия беришда кечикдимми? Ўзининг энг туллаган йилларини қамоқда ўтказишга нима сабаб бўлди, деган савол туғилади. Таълим олиш ва касб ўрганиш керак бўлган ёшда уни нима жиноят кўчасига етаклади?

У жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслиққа ўтди. Жамоат жойида вояга етмаган Абдулла Икромовга пичоқ уриб, тан жароҳати етказди. Воқеа аслида мана бундай бўлган. Мурод

2 нафар синфдоши билан бирга кафе олдида гаплашиб туришди. Шу пайт унча яхши таниш бўлмаган Абдулла ва унинг дўсти Миролимни кўриб қолишди. Миролим: "Маҳалламизга бегоналар келиб қолибди", дейди. Мурод унга: "Менга гапираяпсаними?", дейди. Шунда Миролим уни олдида чақиради ва четга чиқиб, гаплашиб олишларини айтади. Абдулла гапга аралашади. Миролим узоқдан яна 4-5 бола келаётганини кўриб: "Кейин гаплашамиз", дейди.

Орадан кўп ўтмай йиптирлар белгиланган кўрик олдида учрашишади. Уларнинг уриш-жанжалига ҳам аслида арзирли сабаб йўқ эди. Бу ёшда кўча зўравони ким эканлигини кўрсатиб қўйиш ис-

таги пайдо бўлган кўринади. Иш пичоқ ишлатишгача бориб етади. Мурод-до кучини кўрсатиш истаги пайдо бўлади. Абдулланинг ўнг оёғига пичоқ санчади...

Суд ўз ҳукмини ўқиди. Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисмининг "а" банди билан Мурод айбдор, деб топилди ва 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Вояга етмаганлар тарбияси, улар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг сабаб ва оқибатлари ҳақида гап кетганда, юқорида келтирилган ривоят аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади. Чунки, ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Инсоннинг яхши ва ёмон бўлиб улғайишида оиладаги муҳит, ён-атрофдагиларнинг таъсири катта аҳамиятга эга. Кўпгина тадқиқотлар ҳам шундан гувоҳлик беради.

Ҳамро БЕРДИҚИЛИЧЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 30 сентябрь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди.

Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 18-20 даража илқ бўлади.

Тошкент вилотига ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8 даража илқ, айрим жойларда 0 даражагача совуқ, кундузи 18-23 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади (ёғин қорга айланиши мумкин). Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража совуқ, 4 даража илқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

Эътибор

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказилаётган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очик аукцион савдоларига АТ "Халқ банки" Чирчиқ шаҳар филиалининг 2017 йил 27 сентябрдаги 16-0/194-сонли буюртмасомасига асосан, Тошкент вилоти, Бўстонлик тумани, Ҳўжакент ҚФЙ, Қоронқўл қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 4,1014 Га, қурилиш майдони 5412,24 кв.метр, фойдали майдони 3165,95 кв.метрдан иборат чорва фермаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 1 520 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 30 октябрь кун соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабномалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Савдо бўлиб ўтмаса,

такрорий савдолар 2017 йил 14 ноябрь, 29 ноябрь, 14 декабрь, 29 декабрь кунлари бўлиб ўтади. Талабномалар қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 18.00да тўхта-тилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабнома билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкчи мажмуанинг 15 фозидан кам бўлмаган микдордаги закат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширунгача қадар тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519.

Савдо ўтказилаётган ва талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: (0371) 228-84-48, Факс: (0371) 228-80-26, www.1kms.uz. Электрон почта: rieltavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

Тўйғу

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон Халқ
шоири

Оддий муаллим

Қадри билинади, энди менга гоҳ,
Оддий мактабимнинг ўша беҳашам,
Навоий-ку, бизга устоздир бироқ,
Кимдир ўқитган-ку, Алишерни ҳам...
Шундай буюк зотга ҳарф ўргатган ким?
Оддий муаллимда, оддий муаллим!

Аяган ҳаётнинг санчиқларидан,
Йиқилса, кўтарган тўсиқларидан,
Отадек эзилган, ғуссага ботса,
Боладек қувонган ютуқларидан.
Уйқуда шогирдин ўйлаб ётган ким?
Оддий муаллимда, оддий муаллим!

Йўқдан Берунийни бинолар қилган,
Хусайни ибн Синолар қилган,
Машрабни машхури дунёлар қилган,
Абдуллонинг тилин бурролар қилган,
Не-не жаҳонгирга йўл кўрсатган ким?
Оддий муаллимда, оддий муаллим!

Улфат кўп-у, аммо бир дўсти ҳамроҳ,
Ҳалим тополмадим, ундан ҳалимроқ,
Қанча устоз кўрдим, қанча олийгоҳ,
Олим тополмадим, ундан олимроқ!!
Бола юрагимда бебаҳо тилсим,
Оддий муаллимда, оддий муаллим!

... Юзга кираман мен, Худо ҳоҳласа,
Эҳтимол юздан ҳам ўтарман бир кун...
Қайноқ кучида хурлар чорласа,
Ҳеч кимдан қарз бўлмай кетарман
бир кун.

Бўлса ҳам бир зотдан бўлади
қарзим,
Оддий муаллим у, оддий
муаллим!

Нега шундай деймиз?

"Сўз кўрки мақол", деган гап азалдан қулоқларимизга қадрдон. Нутқимиз таъсирчилигини ошириш, фикримизни бошқаларга осон тушуштириш мақсадида кўйма иборалардан, ҳикматлардан, мақолу маталлардан кенг фойдаланамиз. Аждодларимиз закосининг ҳосили ўлароқ, пайдо бўлган ҳикматлардан бирида "Устоз отангдан улуг", дейилган. Мазкур эътирофни ҳозирда "Устоз отангдек улуг" тарзида бузиб қўллаш урфга кириб борапти.

БЕЗАВОЛ МАРТАБА

Ҳикматни шу шаклда ишлатиш уни лутф, таъсирчанлик, муҳолафа каби сифатлардан ҳоли оддийгина маълумот (информация)га айлантириб қўяди. Бундай қуруқ ифодани халқ асрлар оша авайлаб, асраб келмаган бўларди.

Донғи дунёга дoston Искандар Мақдунийдан сўрадилар: "Нега отангдан устозингни юкори кўясан?" Донишманд Арасту дан таълим олган Искандар шундай жавоб берибди: "Чунки, отам мени кўкдан Ерга олиб тушди, устозим эса Ердан кўкка кўтарди. Яшаётганим учун отамдан қарадорман, яхши яшаётганим учун эса устозимдан!" Мазкур ривоят ҳамма замонлар ва маконларда устозларнинг мартабаси не чоғлик юксак бўлганини кўрсатади.

Сўз мулки султони ҳазрат Алишер Навоий бобомиз бир кун ҳамроҳлар билан отда кетётганларида йўлдан бир болакай чиқади.



Амри кабир, яъни бош вазир, буюк шоир ва мутафаккир Навоий ўша заҳоти уловдан тушиб, болакайга таъзим қилади. Бу ҳолатдан гоё мутаассир бўлган ҳамроҳлар шунчалар эҳтиромнинг сабабини сўраганларида: "Бу бола устозимнинг фарзанди, шунинг учун унга таъзим қилдим", дея жавоб берган экан улуг бобомиз. Ушбу ривоятдан ҳам англашиляптики, чинакам илм аҳли наинки устоз, ҳатто унинг фарзандларини ҳам бошда кўтарганлар.

Юқоридаги фикрларимизнинг бадиий ифодасини сўз мулки султони бисотидан топамиз:

Ҳақ йўлида ким сенга
бир ҳарф ўқитмиш
ранж ила
Айламак бўлмас адо
онинг ҳақин юз
ганж ила.

Ҳар қандай хизмат,
ҳар қанча бойлик билан
ҳам устозларимиз
ҳаққини адо этолмай-
миз. Улар она тилимиз
жозибасини онамиз-
дек меҳр билан бизга
ўргатишган. Хатолари-
мизни волидамиздек
бағрикенглик ила ке-
чиришган. Инжиқлик-
ларимизга сабр қи-
лишган. Шогирдларга
сабоқ беришга тадорик
кўриб, тунни тонга
улашган. Шунинг
учун улар отадан улуг,
дея эъзозланишга лой-
иқ!

Шоира БОЗОРОВА.

Реклама ўрнида

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Янгийўл туман кенгаши

Устоз ва мураббийларни
касб байрами билан табриклайди.

Азизлар!

Ўғил-қизларимизни аждодларимизнинг
бой маънавий-маданий меросига,
умуминсоний қадриятларга меҳр-муҳаббат
руҳида камол топтиришдек шарафли ва
масъулиятли фаолиятингизда янгидан янги
муваффақиятлар ёр бўлсин!



АНГРЕН ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМИ жамоаси

озод ва обод юрт фарзандларини
ҳар томонлама етук ва баркамол
инсонлар этиб тарбиялаш йўлида
самарали меҳнат қилаётган
ўқитувчи ва мураббийларни
касб байрамлари билан
муборакбод этади.



«ОҲАНГАРОНЦЕМЕНТ» АЖ касаба уюшма қўмитаси

барча илм-фан ва
таълим фидойиларини
1 октябрь – Ўқитувчи ва
мураббийлар куни
билан қутлайди!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчиҒайрат
ШЕРАЛИЕВМахсуслик:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:

Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари: 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида
2011 йил 12 январда
03-001 рақами билан
руйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусакхх
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ